

Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 25 июнь • №24 (1356)

ОЧИҚЛИК, ТЕЗКОРЛИК ВА ХОЛИСЛИК БОШ МЕЗОН

Кунни кеча Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги «International Hotel» меҳмонхонасида «Ахборот хизматлари фаолияти: очиклик, тезкорлик ва холислик бош мезон» мавзусида миллий конференция бўлиб ўтди.

хизматлари фаолияти: очиклик, тезкорлик, холислик — бош мезон
мавзусида миллий конференция



Анжуманда 180 га яқин вазирлик ва идоралар, давлат ташкилотлари ҳамда ҳокимликлар ахборот хизматлари иштирок этди.

Тадбирда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев ҳамда директорнинг биринчи ўринбосари Дилшод Саиджанов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмида раиси Илҳом Абдуллаев, Ўзбеки-

стон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олим Ўсаров, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети проректори Равшан Раимжонов Ўз маърузалари билан қатнашди.

Асаджон Ходжаев 2019 йил 27 июндаги ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантиришга оид Президент қарори матбуот котибларининг ҳуқуқий мақоми, роли ва аха-

миятини белгилаб берганини таъкидлади. Хусусан, республика аҳамиятига молик жами 280 дан ортиқ идора, муассаса, бошқарув органлари, вило-

апрель ойида эса 97 фоизли кўрсаткич қайд этилган.

«Асосий мақсадимиз — давлат органларининг аҳоли олдидagi ҳисобдорлигини таъ-



сўровларига ўз вақтида жавоб бериши керак», — деди АОКА директори.

Қонунчилик палатаси кўмида раиси Илҳом Абдуллаев соҳани либераллаштиришга доир меъёрий-ҳуқуқий асослар, жумладан, 16 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармони ҳусусида тўхталиб ўтди. Ушбу Фармонга биноан 2021 йил 1 декабрдан бошлаб ҳар йил яқини бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиклик индекси аниқланиши, бу матбуот котибларига юқлатилган масъулиятни янада оширишини таъкидлади.

Конференция доирасида бугунги ахборот маконидаги долзарб масалалар юзасидан таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида самарали меҳнат қилган, фаол ва ташаббускор матбуот котибларига фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Эътироф

КАСБИ МАШАҚҚАТЛИ, КАМТАР, ФИДОКОР...



Сир эмаски бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган фаолиятлар, яратилаётган шарт-шароитлар эса аҳоли манфаатларига хизмат қилиши баробарида, тиббиёт ходимларининг самарали ва сифатли хизмат кўрсатиши учун ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Табииyki, жамиятда ҳеч нарса ўз-ўзидан содир бўлмайди. Содир бўлган ҳар бир ижобий ҳодисот ёки амалга оширилган тизимли ислохот замирида тинимсиз меҳнат, узокни кўзлаб фаолиятга жорий этилаётган мақсадли чора-тадбирлар мужассам. Жумладан, мамлакатимиз тиббиёти ва соғлиқни сақлаш тизими мисолида ҳам.

Айтиш керакки, ўтган уч-тўрт йил мобайнида мазкур соҳа фаолиятида мислсиз ўзгаришлар амалга оширилди. Тизим фаолиятининг тараққиётига ислохот, ислохот ва яна ислохот тамойили асосида ёндашилди. Барчамизга маълумки, ўтган 2020 йил бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимини оғир синовдан ўтказди. Коронавирус ва унинг ортидан келган пандемия баюси

тиббиёт тизими қай аҳволда эканлиги ва соҳада ҳали қандай ислохотлар амалга оширилиши зарурлигини кўрсатиб қўйди. Мамлакатимизда эса айтиш жараёнлардан тўғри хулоса чиқарилиб, Президентимиз раҳнамолиги ва кўрсатмалари асосида қатъий чоралар кўрилди. Бунинг баробарида соҳада кўзга ташланган камчиликлар, муаммолар босқичма-босқич бартараф

этиб келинмоқда. Тизим ривожини такомиллаштириш асосида соҳа ходимларига муносиб меҳнат шароити яратилиб, уларнинг касбий манфаатлари доимий равишда ҳимоя қилиб келинмоқда. Шу ўринда эътибор қаратишимиз лозим бўлган яна бир масала борки, бу борада амалга оширилган ислохотлар соғлиқни сақлаш соҳаси тараққиёти ва тиббиёт ходимлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришни таъминлашга хизмат қилмоқда. Яъни, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан яна бир соҳа — оммавий ахборот воситалари фаолияти ва сўз эркинлиги ҳам янги босқичга олиб чиқилди. Бунинг натижасида аксарият соҳалар фао-

лиятидаги мавжуд муаммолар юзгага олиб чиқилиб, бартараф этилмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ҳам айтиш мақсадларга хизмат қилувчи, соҳа фаолиятидаги янгилик ва жараёнларни тезкорлик билан ёритиб келаётган нашр — «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси бор. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши вазирлик муассислигидаги мазкур нашрни бевоқиф кузатиб бориш баробарида, фаолиятларни кенг оммага ёритиш мақсадида ўзaro ҳамкорлик ҳам қилиб келади. Мамлакатимиз ҳудудияда

► (Давоми 2-бетда)

Эътироф

КАСБИ МАШАҚҚАТЛИ, КАМТАР, ФИДОКОР...

► (Давоми. Боши 1-бетла)

ги соғлиқни сақлаш тизимида оид ҳар бир воқеа-ҳодиса, албатта, ушбу газета саҳифасида ёритиб борилади. Соҳада фаолият юритаётган ҳар бир тиббиёт мутахассиси ушбу газетанинг мавқеи, тизим фаолиятидаги ўрни, салоҳиятини яхши билади. Қолаверса, ўзaro ҳамкорликларимиз жараёнида газета жамоаси билан уюштирилган учрашувлар, ўтказилган суҳбатлар мобайнида уларнинг ҳам соғлиқни сақлаш тизимининг ажралмас мутахассисларига, соҳа билимдонига айланиб улгурганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, газета саҳифаларида ёрилган соҳага оид муаммоли, танқидий материаллар тизимнинг қайси жабҳасига эътибор қаратишимиз



кераклиги борасида биз учун кўзга вазифасини ўтаб келадиган бундай мақомдаги нашрлар минглаб нусхаларда чоп этилиши лозим. Айни пайтда ахборот коммуникациялари жадал тараққий этган, ижтимоий тармоқлар соҳа янгилеклари-

ни тезкор хабарлар мисолида кенг қамраб олмақда ва бу жараён бизни анча қувонтиради. Бироқ тизимга оид меъёрий ҳужжатлар, фаолиятга доир ижтимоий янгилеклар босма нашрлардагина батафсил ёритилади. Муаммолар тахлилий мулоҳазалар билан очиб берилади. Бундан ташқари, ёш кадрлар учун тажрибали мутахассисларнинг илмий мақолалари, амалиёт кўникмалари борасидаги фикрлари айнан газета саҳифаларида бериб

борилади. Шуларни инобатга олганда, нашр обунасини ҳам жиддий кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўйлаёмизки масаланинг бу жиҳати ҳам мутасаддилар эътиборидан четда қолмайди. Хусусан, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетасини бу борада ҳар қандай қўллаб-қувватлашга ҳамиша тайёр.

Фурсатдан фойдаланиб газета жамоаси ҳамда улар орқали оммавий ахборот воситалари ходимларини яқинлашиб келатган касб байрами – 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан қизгин ва самимий муборакбод этамиз. Соҳа тараққиётидаги самарали, фидокорона фаолиятларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Фарҳод ХАНАПИЯЕВ,

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси.

МЕҲНАТИ ОҒИР, МАСЪУЛИЯТИ ШАРАФЛИ



Кадрдон журналистларга, ёзувчи-шоирларга, ёш ижодкорларга, қийин ва шарафли касб фидойиларига, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, эзгу фаолиятингизда ижодий ютук ва омадлар, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман. Қаламингиз ўткирлиги доимий бўлсин!

долзарб масалаларни ҳолислик ва ҳаққонийлик билан ечимини топишда, Сиз кадрли ижод аҳлининг юксак хизматлари борлиги қувонарли албатта. Журналистларимизнинг бугунги жараёнлардаги иштироки, жамиятда ўз ўрни ва нуфузига эгаллиги ҳамиша қалбимизни чексиз ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Мустақиллик шарофати билан республикада миллий матбуотни изчил ривожлантириш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари мустақиллигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар соҳани тараққий эттиришда янада улғуворлик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: "Оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш соҳасида биз уларнинг иқтисодий асослари ва моддий базасини янада мустаҳкамлаш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни изчил давом эттирамиз", деган сўзлари, оммавий ахборот воситалари ва соҳа ходимларига бўлган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

Асосий долзарб вазифа – ахборот соҳасидаги эркинлик ва ошқораликни таъминлаш, соҳадаги камчиликларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш, мавжуд микдор кўрсаткичлари

рени сифат кўрсаткичларига айлантириш, матбуотнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини оширишдир. Халқимиз дарду ташвишларини ҳолис ёритишни ўзларининг шарафли ва муқаддас бурчи деб билган ижод аҳлининг фидокорона меҳнатини ҳар қанча эътироф этсак, арзийди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг фидокорона меҳнатлари ҳамиша улғуланиб, муносиб қўллаб-қувватланиши соҳа ходимларига янада ижодий баркамоллик бағишлайди.

Ўзбекистон тиббиёти олдида кўйилган вазифаларни тиббиёт ходимларига етказишда сизларнинг таъсирчан сўзингиз, фаол гражданлик позициянгиз сув билан ҳаводек зарур.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат таъмоилига, ўзининг ҳаётий ва ижодий принципларига содиқ қолиш, одамларни қийнаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аввало, сизлар каби маънавий жасорат эгаларигина қодир бўлади.

Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкам-

лаш, сўз ва матбуот эркинлиги, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, фуқароларимизнинг ахборот олиш, ўз фикрини эркин ифода этиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилади.

Айни вақтда, ҳозирги шиддатли ахборот замонида мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга тегишли ижодий-услубий ёрдам ва қўмак бериш, журналистларнинг профессионал малакасини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш борасида бир қатор долзарб муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида 1995 йили ташкил қилинган "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш–Здравоохранение Узбекистана" газетаси ўз саҳифаларида даврнинг энг долзарб масалаларини, ҳаёт муаммоларини чуқур таҳлил қилувчи мақолалар, публицистик асарлар, газетхонларга хабарлар, янгилеклар, маълумотларни тезкорлик билан етказиб берилаётганлигига биз гувоҳимиз. Тиббиёт – ўта мураккаб фан. Гиппократ "Барча санъатлар ичида энг буюғи – бу тиббиётдир" деб бежиз айтмаган.

"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш–Здравоохранение Узбекистана" газетаси жамоасига, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари муассислигида ташкил қилинган газеталар жамоаларига омадлар доимий йўлдош бўлсин.

Исроил ИСМОИЛОВ,
шифокор.

Дилдаги гаплар

ЖУРНАЛИСТ ҚАЛАМИ ЎТКИР, ЛЕКИН
ХОЛИС БЎЛИШИ ЗАРУР

Бугун биз шиддатли ислохотлар даврида яшаймиз. Жамиятнинг барча қатламига ижобий таъсир ўтказётган изчил тарихий ўзгаришлар бунинг яққол далолатидир.

Кўзбўямачилик, нуксонларни ҳаспўшлаш, порахўрлик каби иллатларга қарши курашиш; одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлаш азал-азалдан кишилик жамиятининг орзу-умидларига ҳамоҳанглиги билан янада юксак аҳамият касб этади.

Хўш, мана шундай ўзгаришлар, таъбир жоиз бўлса, ҳаётимизнинг барча жабҳасига кириб бораётган тоза ҳаво журналистлар, ОАВ вакиллари билан нималарни талаб этади? Бурчимиз, вазиғамиз, касб-коримиз масъулиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳамкасбларимиз янги давр талабларига тайёрми?! Биз, журналистларнинг ишидан бугун халқимиз қай даражада рози?!

Сўнгги тўрт йилда ўзбек матбуоти ўзгараётгани, янги мазмун, янги қиёфа касб этаётгани чин ҳақиқат. Ҳаётни бежаб-бежаб кўрсатгувчи матбуот ўрнида энг нозик, энг муҳим, энг ўткир муаммоларни ёзадиган, айтадиган, таҳлил қиладиган, кўрсатадиган матбуот пайдо бўла бошлади. Айниқса, интернет-журналистика жанри жашад ривожланмоқда. Ижтимоий тармоқлар, радио-телевидение, газеталар саҳифаларида очик мулоқотлар, баҳс-мунозаралар

кизигандан-кизиб бормоқда. Йиллар мобайнида тилга олиш уёқда турсин, қудуқнинг ичига бош суқиб пичирлаш ҳам мумкин бўлмаган масалалар эмин-эркин таҳлил этиляпти. Одамларда матбуотга нисбатан кизиқиши, ишончи тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Халқ орасида “Журналистнинг нони қаттиқ”, деган ибратли гап бор. Ўзбекистон Қасрида Абдулла Орипов таърифлаганидек, каламкашлар доимо ҳаёт қарвонининг энг олдинги сафида бўлганлар. Улар қатта қарвон йўлидаги ҳар қандай ҳодисаю ҳолатларни, ўнқир-чўнқирлару шамол-тўфонларни биринчи бўлиб кўрганлар, ёзганлар, таҳлил қилганлар.

Жуда кўп вақт ижодкорлар ҳаёти мисолида буни аниқ-тиниқ кўриш мумкин. Бунинг учун олис-олислардан фактлар қидиришга ҳам эҳтиёж йўқ. Биргина тиббиёт соҳасидаги журналистикани олайлик. 2020 йил нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда синовли ва оғир йил бўлди. Коронавирус балосининг кириб келиши ва унга қарши кураш бўйича бошланган тезкор чоралар, одамларнинг бу ҳақидаги тиббий саводхонлиги, тарғибот-ташвиқот ишла-

ри ҳар қачонгидан кўра журналистлар, ОАВ зиммасига қатта масъулият юқлади. Ҳатто 24 соатлаб журналист ва блогерлар ушбу иллатдан ҳимояланиш ва унга қарши кураш бўйича тарғибот материалларини тўхтатмадилар. Ушбу касб эгаларининг саъй-ҳаракати билан одамларда мазкур касалликдан ҳимояланиш бўйича “маънавий иммунитет” шакллантирилди. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги кўплаб газета ва журналлардаги калам соҳиблари меҳнатини эътироф этмасдан бўлмади. Тиббиёт журналистикаси шу даражада ривожландики, ҳатто ўз саломатлигига бефарқ бўлмаган инсонни топиш мушкул бўлди. Бу ўша турли кўрсатув, ток-шоу ва долзарб мавзудаги чиқишларнинг амалий самараси туфайлигина биз одамларда тиббий саводхонлиқни ижобий томонга ўзгартира олдик. “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш-Здравоохранение Узбекистана” газетаси ҳам бу жараёнда анча фаоллиқни қўлдан бермади. Мутахассисларни жалб этган ҳолда туркум мақолалар бериб борди. “Савол-жавоб” руқнида Штаб аъзоларидан тўлақонли маслаҳатларни умумлаштириб, аҳолимизга тезкор етказиб борди. Ижтимоий тармоқдаги саҳифалари орқали кўплаб масалаларга ойдинлик киритилди. Шу туфайлигина бугун ҳам ОАВ вакиллари халқ ишончини



қозонишга интилоқда. Бу эса осон кечмайди. Шундай экан, назаримизда, журналист ўзини халқ ҳаётидаги муайян, зарур ўринга қўя билиши нихоятда муҳим. Бунинг учун у адолатли, холис ва ҳалол бўлиши, тарозининг икки палласини бир хил тутмоғи зарур.

Айтган сўзи ўқувчи, тингловчи руҳини кўтариши, уларга куч бағишлаши, қалбларни сеҳрлаши, хайратга солиши, кўнгилларга адолат нурларини таратиши журналистлар бор-ўзгаришларни оширадиган. Улар учун зарур шароитлар яратилди, эҳтиром кўрсатилмоқда.

Аввало, Ватанимиз равақли, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида жонқуярлик ва жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган азиз оммавий ахборот воситалари ходимларини яқинлашиб келган касб байрами билан самимий муборакбод этамиз. Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш йўлида уларга сизат-саломатлик, куч-ғайрат, янги омадлар тилаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

Эътибор

МАТБУОТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИ
ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ўтказилган “Матбуот хизматлари фаолияти: асосий мезонлар – очиклик, тезкорлик ва холислик” мавзусидаги миллий конференцияда бир неча матбуот хизматлари қаторида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати ҳам самарали фаолияти ва юқори кўрсаткичлари учун тақдирланди.

АОКАнинг 2021 йил биринчи чорақдаги фаолияти мониторинги натижаларига кўра, юртимиздаги 129 та республика ташкилот ва идоралар ахборот хизматлари орасида 18 та ташкилот матбуот котиблари қаторида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот котибининг фаолияти ҳам энг юқори деб баҳоланди. Хусусан, вазирликлар орасида 6 тасининг матбуот хизматлари фаолияти юқори деб топилаган. Бундай ижобий натижага эришишда вазирлик Матбуот

хизматининг қуйидаги кўрсаткичлари ўрин тутаётгани шубҳасиз:

Матбуот хизмати шу йилнинг биринчи чораги давомида ижтимоий тармоқларда тарқалган соҳага доир 100 дан ортиқ мурожаатларга ўз вақтида жавоб берди;

Шу ўринда барча ҳамкасбларимизга, вазирлик фаолиятини кенс ёритишда фаоллик кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, журналист ва блогерларга самарали ҳамкорлиги ва ёрдамлари учун миннатдорлик билдирамиз. Ҳамкасбларимизни яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан самимий муборакбод этамиз.

МТРК таркибига кирувчи 10 дан ортиқ телеканаллар, шунингдек, нуфузли хусусий телеканаллар, газеталар, қатор интернет сайтлари ССВ Матбуот хизмати бераётган ахборотлардан ҳар куни самарали фойдаланмоқда;

Матбуот хизмати қунига 13-15 тагача вазирлик фаолиятига оид муҳим хабарлар, тизимдаги ўзгаришлар, статистик маълумотлар, инфографик ва видеоматериалларни оммага тақдим этиб келмоқда.

Қонунни ўрганамиз

ФУҚАРОЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ
СУДГА МУРОЖААТ ЭТИШИ МУМКИН

Президентимиз томонидан 2021 йил 27 апрель куни “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”¹га Қонун имзоланди.

Қонунга кўра, Конституциявий суди доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни қўради.

Қонунга янги киритилган ўзгаришларга кўра Конституциявий суд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни муайян ишда қўлланилган ва Конституцияга мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқиши белгиланди. Энди фуқаролар ва юридик шахслар қонун уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмоқда деб ҳисобласа ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин бўлади. Бундан ташқари Конституциявий суд раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда 9 нафар судьядан иборат бўлади (илгари 7 нафар эди).

Шунингдек, Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қаторига Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази, Президент ҳузуридаги Тadbirkorlik субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳам киритилди.

Миркомил МИРМАҚСУДОВ,
Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси,
Бекзоджон ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди
девоҳона мудир.

Соғлиғимиз ўз қўлимизда

ИНСУЛЬТ ХАВФИДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?

Инсулът касаллиғини ташхислаш, даволаш усуллари, салбий оқибатлари нималардан иборат?



Инсулът энг муҳим диагностика текширувлар, хусусан компьютер томография (КТ) ва магнит-резонанс томография (МРТ) асосида ташхисланади. Кўп ҳолларда, компьютер томография ёрдамида инсулът ва бошқа турдаги "янги" миё кон қуйилишларини фарқлаш мумкин. МРТ ёрдамида ишемия

майдонларини аниқлаш, шунингдек, ишемик миё зарари тарқалишини баҳолаш мумкин. МРТ геморрагик инсулътни ишемик инсулътдан фарқлаш, шунингдек, таъсир майдони ва унинг катталиғи аниқ ўрини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, МРТ ёрдамида ўхшаш аломатлар бўлган бошқа касалликларни истисно қилиш мумкин. Ишемик инсулътда ҳам бир қатор, жумладан, бўйин ва миё томирларининг ультратовуш текшируви (УТТ), эхокардиография, миё ангиографияси каби қўшимча тадқиқотлар ўтказилади. Статистик маълумотларга қараганда, ишемик инсулът геморрагик инсулътга қараганда 8-9 марта кўп учрайди. Инсулътни умумтерапевтик даволаш юрак-қон томир тизимини

нормаллаштириш, нафас олиш функциясини тиклаш, миё шилини камайтириш, шунингдек, қайталанишининг олдини олиш ва асоратларини даволашга қаратилган. Инсулътни даволаш тезда бошланиши керак. Биринчи босқичда хали инсулът характери аниқланмаган пайтда бемор ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган даво муолажалари ўтказилади. Бемор чалканча, боши сал кўтарилган ҳолатда ётқизилади. Агония ҳолатида кўчириш мумкин бўлмаган беморлардан бошқа ҳамма инсулът бўлган беморлар махсуслаштирилган неврологик бўлимга ётқизилиши керак. Беморни кўчириш вақтида эҳтиёт бўлиш, силкитмаслик лозим. Агар юрак фаолияти бузилиши ўпка шили билан бирга учраса, спирт буғи қўшилган кислород билан нафас олдирилади. Бемор боши баланд қилиб ётқизилади. Нафас олиши меъ-

ёрлашиши учун электр сўргич билан оғиз бўшлиғи, бурун ва халқум шилликлардан тозаланади. Тил орқага кетишини олдини олиш ва нафас олишни енгиллаштириш учун оғизга ҳаво найчасини қўйиш мумкин. Инсулът билан касалланган беморлар дарҳол ётқизилиб, боши баланд кўтарилади ва музлик халта, оёқларига иссиқ грелка қўйилади. Аминокислоталар ва витаминларга бой бўлган мева-сабзавотларни етарли миқдорда истеъмол қилиш миё инсулътга олиб келувчи хатарли омилларни камайтиради. Айниқса, таркибда аскорбин кислотаси, токоферол ацетат, циа-

нокобаламин, никотин кислотаси, бета-каротин каби витаминлар қон-томир деворлари учун ўта муҳим озукдир. Таркиби калийга бой бўлган қуруқ меваларни истеъмол қилиш ҳам томирларда атеросклеротик шилликчалар ривожланишининг олдини олади, томир деворини шикастланишдан асрайди, томирнинг ички деворида холестерин тўпланишини пайсантиради, демак тромблар пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Баллик гўштини истеъмол қилиб туриш ҳам юрак мушакларида моддалар алмашинувини яхшилаб, қонда холестерин миқдорининг пайсантилишига ёрдам беради.

Умуман олганда, барча хасталиклар каби инсулътни ҳам даволашдан кўра, олдини олиш осон ва самаралидир.

Бахтиёр ГОФУРОВ,
тиббийёт фанлари доктори, профессор.

Кўзимиз – гавҳаримиз!

ОЧИҚ ҲАВОДА КЎПРОҚ БЎЛИШИМИЗ КЎЗЛАРИМИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё миқёсида камида 2,2 миллиард кишида кўриш қобилиятининг бузилиши ёки кўрлик ҳолатлари мавжуд. Кўз касалликларининг келиб чиқиш омиллари қандай, уларнинг диагностика ва даволаш усуллари қай даражада ривожланмоқда?

Жаҳон статистикасида кўз касалликларининг кенг тарқалиши ёки касалланиш кўрсаткичлари бўйича 1-ўринда конъюнктивит касалликлари, 2-ўринда миопия ва гиперметропия, 3-ўринда склерит ва кератитлар, 4-ўринда шох парда хиралашуви ва 5-ўринда гавҳар касалликлари — катаракта туралари. Юртимиздаги кўз касалликлари бўйича статистика ҳолати ҳам деярли шу кўринишда. Кўрлик ва кўриш қобилияти бузилиши ҳолатлари кўпайишининг асосий сабабларидан бири бу дунё аҳолисининг тез қаришидир. Шу билан бирга, сўнгги ўн йилликлар ичида аҳолининг турмуш тарзи сезиларли даражада ўзгарди — одамлар вақтининг кўпроқ қисмини ёпиқ жойларда ва камроқ кўчада ўтказадилар, кўпчилик инсонлар компьютерларда ишлайди. Бу, хусусан, миопия ривожланиш хавфини оширади. Бундан ташқари, қандли диабет билан касалланганлар сонини ҳам кўпаймоқда. Деярли барча бу хасталикка учраганлар ретинопатиянинг бирон бир шакли, кўз турпардаси касаллиғи билан оғрийдилар. Кўзларини мунтазам равишда текшириб туриш ва кўриш қобилияти ёмонлашувининг биринчи аломатларини сезганда, ёқ шифокор билан маслаҳатлашиш керак. Одатда, охириги пайтгача одам кўриш қобили-

режали кўриклар зарур. Инсон кўчада, яъни тоза ҳавода қанча кўп вақт ўтказса, шунчалик кўриш қобилиятини пайсантиришнинг олдини олиши ва миопия ривожланиш тезлигини пайсантириш мумкин. Барча ёшдаги кишилар учун очик ҳавода бўлиш фойдалидир. Агар узокни яхши кўролмаслик ёки миопия ҳақида гапирадиган бўлсак, бу касалликнинг ривожланишига таъсир қилувчи кўпга шароитлар мавжуд. Улардан бири генетика бўлса, иккинчиси одамлар кўпроқ вақтини очик ҳавода эмас, компьютер экранлари олдида ўтказиши ҳисобланади. Шунинг учун барча ёшдаги кишилар учун умумий тавсия — очик ҳавода кўпроқ вақт ўтказиш. Шунингдек, қозғоли ёки электрон китобларни ўқиётганда маълум масофани сақлаш зарурлигини унутмаслик керак. Бунда масофа 30 сантиметрдан кам бўлмаслиги муҳим. Баъзида болалар китобни кўзларига яқинлаштириб ўқишади. Уларнинг масофа сақлашга ўргатиш лозим.

КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
КЎП ҚИСМИ ЖАРРОҲЛИК
ЙЎЛИ БИЛАН БУТУНЛАЙ
ДАВОЛАНАДИ

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббийёт марказида жами 40 дан ортиқ диагностика ва 100 дан ортиқ жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилган ва бу хизматлар янги юкори технологияларни жорий қилиш натижасида кўпайиб, сифати ошиб бормоқда. Марказда беморларни даволаш сифати махсус электрон дастур асосида олиб борилади. Ҳозирги вақт-

да кўз касалликларининг кўп қисми жарроҳлик йўли билан даволанади. Масалан, катаракта, глаукома, шох парда касалликлари, кўз ёши йўллари касалликлари, қовоқлардаги касалликлар, тўр парда касалликлари — тўр парда кўчиши, ретинопатиялар, қон қуйилишлар ва ҳоказоларнинг барчаси юртимизда самарали даволаниб келинмоқда. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, яъни юкори технологияларнинг келтирилиши, замонавий диагностика ва даволаш усуллари амалиётга татбиқ этилиши, соҳага малакали ёш кадрларнинг кириб келиши, чет эл нуфузли клиникаларидан малакали мутахассисларнинг таклиф этилиши, улар томонидан ўтказилаётган маҳорат дарслари ва бошқалар аҳолига кўрсатилаётган офтальмология хизмати-нинг жадал суръатлар билан ривожланишига ва даволаш самардорлигининг оширишига олиб келяпти. Бу эса йил сайин даволанаётган ва жарроҳлик амалиёти ўтказилаётган беморларнинг сонини ошишига хизмат қилмоқда. Ҳозирда марказда замонавий жарроҳлик амалиётларидан бўлиб кератопласти-



ка, фактоэммулсификация, витреоретинал жарроҳлик, кўз аъзосининг турли қисмларида барча турдаги лазер жарроҳлик амалиётлари ва офтальмопластика дунё стандартлари асосида амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, юртимизнинг бошқа клиникаларида қўлланиладиган диагностика ва даволаш усуллари билан бемор шох пардасини донор шох пардага алмаштириш, витреоретинал жарроҳликнинг мураккаб усуллари, фемтосекундлар лазерли катаракта фактоэммулсификация ва эксимер жарроҳлиги, кўзнинг ўрта ва орқа бўлимлари касалликларида қўлланиладиган лазер жарроҳликларни амалга оширилишини санаб ўтишимиз мумкин.

Марказда даволаш нархлари хусусий клиникалардаги нархлардан 1,5 дан 3 баробаргача арзон бўлиб, мураккаб диагностика ва даволаш усуллари амалга оширишда имтиёзли тоифага кирувчи беморлар амбулатор ва стационар ордерлардан (100 фоиз бепул бўлган ҳолда) фойдаланиш имкониятига эга.

Азамат ЮСУПОВ,
Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси
илмий-амалий тиббийёт маркази директори,
тиббийёт фанлари доктори.

● Юртимиз шифохоналарида

МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Пойтахтимиздаги Болалар миллий тиббиёт марказига Сеул миллий университети шифохонасидадан бир гуруҳ тиббиёт соҳасидаги мутахассислар ташриф буюришмоқда. Улар Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) томонидан марказнинг педиатрия тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш бўйича тренинглар ва маҳорат дарсларини ўтказиш учун юборилмоқда.

Ушбу гуруҳларнинг ташрифи янги йилнинг июн-сентябрь ойларида амалга оширилиб, педиатриянинг асосий йўналишлари (кардиожарроҳлик, кардиология, анестезиология, PICU/CCU) бўйича ихтисослашган корейлик тиббиёт мутахассислари Болалар миллий тиббиёт маркази шифокорлари ва ҳамширалари учун симуляцион таълим, болалар жарроҳлиги, очик юракда операциялар ўтказиш, катетеризация орқали юрак қон-томир муолажалари, менежмент каби йўналишларда тренинглар ўтказиши кўзда тутилган. Қуни кеча Сеул миллий университетининг болалар жарроҳи профессор Ким Хён Ён бошчилигидаги мутахассислар лапароскопия, юрак-ўпка реанимацияси, ҳамшираларни симуляцион ўқитиш, болалар жарроҳлиги амалиёти, болаларга шошилчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасида тренинг машғулотларини ўтказди.

Мақсад — Болалар миллий тиббиёт марказида 2020 йилнинг охирида KOICA кўмаги-

да ташкил қилинган Симуляция-инновацион ўқув марказида замонавий тиббий симуляция ускуналарини қўллашни жаддалаштириш, марказда доимий малака ошириш тизимини йўлга қўйиш учун замонавий клиник кўникмаларга эга тренерларни тайёрлаш. Ташриф давомида корейлик мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда 5 та мураккаб жарроҳлик операциясини амалга оширади. Бундан ташқари, 2021 йил 1 июлидан эса Болалар миллий тиббиёт марказига Сеул миллий университети болалар ва кўкрак қафаси жарроҳлиги кафедраси профессори Ким Вунг Хан бошчилигидаги тиббиёт мутахассислардан иборат иккинчи делегация ташриф буюради. Улар орасида болалар кўкрак қафаси жарроҳлиги, болалар юрак етишмовчилиги, болалар анестезияси, интенсив терапия ва нефрология йўналишларидаги мутахассислар бўлиши кўзда тутилмоқда. Педиатрлар ва болалар кардиожарроҳларининг



иккинчи гуруҳи болалар кардиожарроҳлиги бўйича амалий машғулотлар ташкил этиш билан бир қаторда кам таъминланган оилаларнинг оғир касал бўлган болаларида интенсив терапия ва кўшма жарроҳлик амалиётини ўтказишди. Корейлик кардиожарроҳлар ўзбекистонлик мутахассислар билан биргаликда оғир туғма юрак нуқсонлари бўйича 10 та жар-

роҳлик операциясини, шунингдек 10 та болага юрак катете-

ризациясини амалга ошириш кутилмоқда.

Хусусан, иккинчи гуруҳ мутахассислари ташрифи давомида режалаштирилган кам таъминланган оилалар фарзандларининг юрак операциялари юрак операцияларини қўллаб-қувватловчи бир қатор маҳаллий ва хорижий ташкилотларнинг, жумладан, "Замин" фонди нодавлат но-тижорат ташкилоти, Корея Республикасининг Lee Jong-wook Global Medical Center маркази молиявий кўмаги билан амалга оширилади.

@ssvuz

● Эҳтиёт чоралари

КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛАДИ

Республика махсус комиссиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва илмий марказлар олимлари иштирокида навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида мамлакатимизда коронавирус инфекцияси боғлиқ эпидемиологик вазият ҳамда ушбу инфекция билан касалланиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда масъул раҳбарлар ҳисоботлари эшитилиб, коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Коронавирусга қарши эмланувчилар гуруҳи яна кенгайтирилди.

Биринчи навбатда касаллик профилактикасида қаратилган тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек, аҳоли томонидан жамоат жойларида никоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш каби санитария-эпидемиология талаблари назоратини олиб бориш юзасидан тегишли идораларга топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, коронавирус инфекциясига қарши эмлаш тадбирларида аҳоли фаоллигини ошириш мақсадида, 50 ёш ва ундан катта ёшдаги фуқароларни ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини хавф ости гуруҳига мансуб аҳоли қатлами каторида босқичма-босқич Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан эмлаш тадбирларини жаддалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, сўнгги кунларда инфекция билан касалланиш ҳолатлари бироз ортганлигини инобатга олиб, ҳудудларда коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга йўналтирилган тиббиёт муассасаларининг тайёргарлик ҳолатини таҳлил қилиш ва зарур дорӣ воситалари захирасини шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги сўнгги кунларда айрим қўшни мамлакатларда коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари ортиб бораётганлиги, шу жумладан мамлакатимизда ҳам ушбу инфекция билан касалланиш бироз ортганлигини инобатга олиб халқимиздан шахсий масъулиятни оширган ҳолда жамоат жойларида никобда бўлиш ва ижтимоий масофани сақлаш каби талабларга риоя этишларини сўраб қолади.

Ўзбек-афғон давлат чегараси орқали фуқароларнинг ҳаракатланиши вақтинча тўхтатилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва қатор манфаатдор ташкилотлар тақлифига кўра, Республи-

ка махсус комиссияси Афғонистон Ислом Республикасида коронавирус инфекцияси билан боғлиқ эпидемиологик вазият кескинлашаётганлигини инобатга олиб, ўзбек-афғон Давлат чегараси орқали фуқароларнинг ҳаракатланишини вақтинча тўхтатишга қарор қилди.

Шу билан бирга, Афғонистон Ислом Республикаси фуқароларига туристик визалар беришни ҳамда туристик фирмалардан виза талабномаларини қабул қилиш вақтинча тўхтатилади.

